

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАЗАКОВА ШАХИДА РАХИМОВНА

**ЧЕТ ТИЛ ДУНЁ МАНЗАРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ ЛАКУНАЛАРНИНГ ДИДАКТИК ПОТЕНЦИАЛИ
(филологик OTM 1-2 курслари)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of Doctor of Philosophy (PhD) on pedagogical
sciences**

Абдуразакова Шахида Рахимовна

Чет тил дунё манзарасини шакллантиришда ижтимоий-маданий лакуналарнинг
дидактик потенциали (филологик ОТМ 1-2 курслари).....3

Абдуразакова Шахида Рахимовна

Дидактический потенциал социокультурных лакун в формировании
иноязычной картины мира (1-2 курсы языкового вуза).....19

Abdurazakova Shahida Rahimovna

Didactic potential of sociocultural lacunae in the formation of a foreign-language
picture of the world (1-2 courses of the linguistic university).....35

Эълон қилинган ишлар рўйхат

Список опубликованных работ

List of the published works39

**ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 РАҚАМЛИ
КЕНГАШ АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУРАЗАКОВА ШАХИДА РАХИМОВНА

**ЧЕТ ТИЛ ДУНЁ МАНЗАРАСИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДА ИЖТИМОЙ-
МАДАНИЙ ЛАКУНАЛАРНИНГ ДИДАКТИК ПОТЕНЦИАЛИ
(филологик ОТМ 1-2 курслари)**

13.00.02 – Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили)

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Педагогика бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1322 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Гулистон давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.jspi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларида жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Маҳкамova Гульнара Турдахуновна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
педагогика фанлари доктори, профессор

Расулова Махфуза Инамовна
педагогика фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Самарқанд давлат чет тиллар институти

Диссертация ҳимояси Жиззах давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 рақамли илмий кенгаш асосидаги (бир марталик) илмий кенгашнинг 2022 йил «__» _____ куни соат ____даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz Жиззах давлат педагогика институти. Бош ўқув бино, 2-қават, маърузалар зали).

Диссертация билан Жиззах давлат педагогика институти ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (____ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 130100, Жиззах шаҳри, Ш. Рашидов шоҳ кўчаси, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz).

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.

(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ф. Н. Жўрақулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, с.ф.д., доцент

Н. Х. Кушвақтов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
котиби, п.ф.н., доцент

О.Х.Тўрақулов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д.,
профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори(PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё миқёсида антропоцентрик ёки маданиятлараро таълим парадигмалари ролининг кучайиши тил ўрганишга маданий-лингвистик ва коммуникатив-фаолият кадриятлари, билимлари ва хулқ-атвор меъёрлари призмаси орқали қараш заруриятини юзага келтирди. Лингвистик бирликларни ўрганишга културологик йўналтирилган ёндашувлар (маданиятлараро, чоғиштирма ва лингвомаданий) туфайли она тилида сўзлашувчи одамлар дунёсининг этномаданий манзарасининг ўзига хослиги тилни ўргатиш жараёни шаклланиши тўғрисида маълумотлар олинган. Шунинг учун маданиятлараро ёндашув, айниқса, тил соҳиби олами манзарасининг вербал-семантик ва когнитив тезаурусининг махсус қатлами бўлган эквивалент бўлмаган лингвистик ва хулқ-атвор бирликларини (ижтимоий-маданий лакуналар) ўрганишда айниқса муҳим аҳамиятга эга. Ижтимоий-маданий лакуналарни турли ёндашувлар ёрдамида ўрганиш, тилга олинган тезаурусни кенгайтиришга имкон беради.

Илм-фан ва таълим соҳасидаги туб ислохотлар халқаро стандартларга мувофиқ чет тилларни ўқитиш тизимининг сифатини ошириш, ушбу тадқиқотнинг долзарблигини белгилайди, чунки айнан ижтимоий-маданий лакуналарни ўрганиш чет тил дунё манзарасини муваффақиятли шакллантиришнинг зарурий шarti ҳамда филологик ОТМ талабаларининг коммуникатив компетенцияси сифатини оширади. «Ўзбекистон дунё миқёсида илм-фан, интеллектуал салоҳият, замонавий кадрлар, юқори технологиялар соҳасида рақобатбардош бўлиши керак»¹, ва бу, ўз навбатида, хорижий тилларни ўқитиш методикаси соҳасида фаолият юритувчи олимлар олдида профессионал маданиятлараро мулоқотларда самарали иштирок эта оладиган мутахассисларни тайёрлаш бўйича янги вазифаларни қўяди. Мутахассислик тилини ўқитиш методикасини такомиллаштириш масаласини ҳал қилишнинг янги усули – бу дунёнинг чет тилдаги манзарасининг тезаурусини шакллантириш учун ижтимоий-маданий бирликларни ўқитишнинг махсус технологиясини ишлаб чиқиш бўлиб бормоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сон «Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон «Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 22 декабрь 2017 йил. Электрон манзил: <http://www.ach.gov.uz/ru/lists/view/54>

қамровли ислоҳотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», 2021 йил 19 майдаги ПҚ-5117-сон «Ўзбекистон Республикасида хорижий тилларни ўрганишни оммалаштириш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 11 августдаги 610-сон «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2019 йил 19 июлдаги 606-сон «Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида» қарорлари ҳамда бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар тараққиётининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнгги ўн йилликларда хорижий илмий адабиётларда тил ва маданиятни биргаликда ўрганиш муаммоси назариётчилар ва амалиётчилар томонидан муҳокама қилиниб, чет тил дунё манзарасини, культурологик йўналтирилган ёндашувлар ёрдамида ижтимоий-маданий бирликлар асосида иккинчи тилда сўзлашувчи шахсни шакллантириш масалалари муҳокама қилинмоқда. Жумладан, дунёнинг тил манзараси ҳамда тил соҳибининг лингвистик нуқтаи назардан таркибий қисми ва моҳияти масалалари Г.И. Богин, Ю.Н. Караулов, О.А. Корнилов, З.Д. Попова, И.А. Стернин, В.А. Маслова, Т.Б. Радбиль, О.Л. Кадилина В.И. Карасик², маъноларни тушуниш ва декодировкалаш муаммоси, шунингдек, таълимда герменевтик ёндашувлар И.И. Халеева, В.Г. Кузнецов, А.А. Брудный, Т.В. Зырянова, И.Н. Лима, Ю.В. Скурагова, Н.Д. Gadamer, N. Davey³, лақуналар назарияси ва уларнинг турли хил таснифлари

² Богин Г.И. Уровни и компоненты речевой способности человека. – Калинин, 1975; Караулов Ю.Н. Русский язык и языковая личность. – М.: Наука, 1987; Корнилов О.А. Языковые картины мира как производные национальных ментальностей. 2-е изд. – М.: ЧеРО, 2003; Попова З. Д., Стернин И. А. Язык и национальная картина мира. – Воронеж: Истоки, 2003, 2007; Маслова В.А. Homo lingualis в культуре. – М.: Гнозис, 2007; Радбиль Т.Б. Основы изучения языкового менталитета: Учебное пособие. – М.: Флинта-Наука, 2010; Кадилина О.А. Сильная/слабая языковая личность: коммуникативно-прагматические характеристики: на материале текстов Д. Карнеги: Дисс. ... канд. филол. наук. – Краснодар: Куб. ГУ, 2011; Карасик В.И. Языковые ключи. – Волгоград: Парадигма, 2007.

³ Богин Г.И. Типология понимания текста. – Калинин: КГУ, 1986; Халеева И.И. Основы теории обучения пониманию иноязычной речи. –М: Высшая школа, 1989; Кузнецов В.Г. Герменевтика и гуманитарное познание. – М.: МГУ, 1991; Брудный А.А. Психологическая герменевтика. – М., 1992; Зырянова Т. В. Герменевтический метод как способ повышения качества филологического образования (на примере художественной литературы): Дисс. ... канд. пед. наук. – М., 1998; Лима И.Н. Герменевтика и понимающие подходы в гуманизации образования: Автореферат дисс... канд. фил. наук. – Нижний Новгород: Нижегородская Государственная Архитектурно-строительная Академия, 1996; Скугарова, Ю.В. Проблема понимания иноязычного литературно-художественного текста: Филологический и дидактический аспект (на материале англ. рассказов XX в.): Автореф. дисс... канд. филол. наук. – М.: МГУ им. М.В. Ломоносова. – М., 2001; Gadamer H.G. EPZ Truth and Method. – 2-d ed. –London and New York: Continuum, 2004; Gadamer H.G.

масалалари В.Л. Муравьев; Г.А. Антипов; Г.В. Быкова; А.А. Махонина; Ю.А. Сорокин, И.А. Стернин; Е.Н. Соловова⁴; лакуналарни таржима қилиш муаммолари А.А. Арестова; Г.В. Быковой; Г.Ю. Данильченко; У.Л. Кшеневская, А.В. Стародубцева⁵ каби қатор чет эл олимлари илмий ишларида ўрганилган.

Маданиятлараро ёки лингвомаданий таълим муаммоларини ҳал қилишга беқиёс ҳисса қўшган республикамиз олимлар орасида Г.Т. Махкамова, Д.У. Хашимова ва Н.З. Нормуродоваларнинг⁶ илмий ишларини тилга олиш жоиз. Г.Т. Махкамованинг ишларида иккиламчи лингвистик шахсни шакллантириш масалалари муҳокама қилинган, ижтимоий-маданий лакуналарнинг баъзи ўзига хос хусусиятлари муаммолари ўрганилган, маданиятлараро компетенциянинг таркиби ва мазмуни тадқиқ қилинган ва лингвистика йўналиши талабаларида маданиятлараро компетенцияни шакллантиришнинг ўзига хос услуби ишлаб чиқилган. Д.У. Хашимова томонидан рус тилидаги лакуналар тадқиқ қилинган ва яратилган электрон қўлланма асосида ўзбек мактаб ўқувчиларига рус тили дарсларида лакуналарни ўқитиш методикаси ишлаб чиқилган. Н. Нормуродованинг илмий ишларида тил соҳиби ўзаро мулоқотда ўзини қандай намоён этишини очиб бериш мақсадида шахсни бадий диалог материали асосида семантик-стилистик, лингвопрагматик, лингвокогнитив аспектларда ҳар томонлама ўрганиш масалалари тадқиқ қилинган.

Н. Нормуродованинг тадқиқот ишлари объекти сифатида дискурсив шахс олинган ва шахснинг психологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда бадий нутқда антропоцентризм вербал маркерларининг семантик-стилистик, коммуникатив-прагматик, когнитив, маданий жиҳатлари тадқиқ этилган.

Philosophical Hermeneutics. – University of California Press, 2008; Davey N. Unquiet understanding: Gadamer's philosophical hermeneutics. – New York: Sunny Press, 2012.

⁴ Муравьев В.Л. Проблемы возникновения этнографических лакун: Пособие по курсу типологии русского и французского языков. – Владимир: ВГПИ, 1980; Антипов Г. А. Текст как явление культуры. – Новосибирск: Наука; Сибирское отделение, 1989; Быкова Г. В. Феноменология лексической лакунарности русского языка. – Благовещенск: изд-во БГПУ, 2001; Махонина А.А. Проблема описания лексической лакунарности (на материале русско-английских субстантивных лакун): Автореф. дисс. ... к.ф.н. – Воронеж: ВГУ, 2006; Сорокин Ю. А. Лакуны: еще один ракурс рассмотрения // Лакуны в языке и речи: Сборник научных трудов / под ред. Ю. А. Сорокина, Г. В. Быковой. – Благовещенск: Изд-во БГПУ, 2009. – С. 3-11; Стернин И.А. Контрастивная лингвистика. Проблемы теории и методики исследования. –М.: АСТ: «Восток – Запад, 2007; Соловова Е.Н. Социокультурные лакуны: Типология, причины появления и способы заполнения при изучении иностранных языков. //Иностранные языки в школе. 2006, № 5 и 6.

⁵ Арестова А. А. Количество лакун в переводном тексте как один из критериев адекватности перевода // VII Федоровские чтения. Тезисы. – Тамбов, 2003; Быкова Г. В. Феноменология лексической лакунарности русского языка. – Благовещенск: изд-во БГПУ, 2001; Данильченко Т. Ю. Понятие и сущность лакун // Наука. Искусство. Культура. 2014. № 3. – С. 51-57; Кшеневская У. Л., Стародубцева А. В. Языковые лакуны в публицистическом тексте и способы их элиминирования в процессе перевода.// Вестник Новосибирского государственного педагогического университета, 2016. – С. 154-164.

⁶ Махкамова Г.Т. Концепция формирования межкультурной компетенции студентов факультетов английского языка. – Т.: Фан, 2010; Хашимова Д.У. Лингводидактические основы изучения лакун в контексте современного функционирования русского языка в межъязыковых взаимодействиях: Автореф. дисс. ... докт. пед. наук. – Ташкент: УзГУМЯ, 2007; Нормуродова Н.З. Вербальная экспликация антропоцентризма в англоязычном художественном дискурсе: Автореф. дисс. ... докт. филол. наук. –Ташкент: НУУз, 2020.

Ушбу илмий ишларнинг таҳлили шуни кўрсатадики, маҳаллий миқёсда хорижий тилларни ўқитиш методикасида филологик ОТМларда чет тилларни ўқитиш жараёнида ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганишга қаратилган машғулотларда дунё манзарасини шакллантиришга бағишланган махсус тадқиқотлар мавжуд эмас. Бинобарин, ўқув материалнинг маданий ўзига хослиги, ижтимоий-маданий лақуналар турлари ва уларни ўқитиш услубларига оид саволлар ва чет тил дунё манзарасини шакллантириш шароитида уларни бартараф этиш бўйича кўникмаларни ривожлантириш ва тил соҳиби билан муваффақиятли мулоқот қила олишга замин яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги. Диссертация Гулистон давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлари йўналишига мувофиқ ҳамда № 71-07 рақамли «Олий ўқув юртларида маънавий ва касбий баркамол шахсни шакллантиришнинг педагогик технологиялари» лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Чет тил дунё манзарасини шакллантиришда лақунашган характердаги ижтимоий – маданий бирликларни потенциалини асослаш ва уларни инглиз тили факультети 1-2 курсларида ўқитишни махсус методикасини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш асосида чет тил дунё манзарасини шакллантириш тажрибаси ҳамда замонавий таълим йўналишларини таҳлил қилиш;

чет тил дунё манзарасининг таркибий элементлари, ижтимоий-маданий лақуналар турларини ва уларни бартараф қилиш йўллари аниқлаш;

лақунашган характерга эга ижтимоий-маданий бирликларни ўрганиш асосида чет тил дунё манзарасини шакллантириш хисобига чет тил ўқитиш методикасини такомиллаштириш;

ОТМлар инглиз тили факультетлари 1-2 курс талабаларини ўқитиш амалиётида ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш ва татбиқ этиш орқали дунё манзарасини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш ва баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Гулистон давлат университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Навоий давлат педагогика институти ва Нукус давлат педагогика институтларининг 1-2 курсларида инглиз тили дарсларида иккиламчи лингвистик шахсни шакллантириш жараёни танланган.

Тадқиқот предметини ОТМлар инглиз тили факультетлари 1-2 курс талабаларида чет тил дунё манзарасини шакллантириш учун ижтимоий-маданий лақуналар турлари, тезауруслари ва ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш ва уларни бартараф қилиш усуллари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертацияда адабиётларни танқидий таҳлил қилиш, лингвомаданий тавсиф, маданиятлараро, трансформацион, педагогик кузатиш, танқидий-қиёсий таҳлил, сўровномалар, педагогик эксперимент, математик ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

инглиз, рус, ўзбек тилларидаги ижтимоий-маданий лақуналарнинг дунё манзарасидаги вербал-семантик ва когнитив тезаурусларидаги таркибий элементлари ва ижтимоий-маданий бирликларнинг ўрни аниқланган;

тил ва хулқ-атвор даражасидаги ижтимоий-маданий лақуналар ҳамда 1-2 курс талабаларида чет тил дунё манзарасини шакллантиришда оғзаки, ёзма нутқда учрайдиган ижтимоий-маданий бўшлиқларни бартараф этиш усуллари аниқланган;

ОТМлар инглиз тили факультетлари 1-2 курс талабалари инглиз тили дарсларида чет тил дунё манзарасини шакллантириш учун ижтимоий-маданий лақуналарни ўқитиш мазмуни ва методикаси такомиллаштирилган;

ОТМлар инглиз тили факультетлари 1-2 курслари инглиз тили дарсларида ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш асосида чет тил дунё манзарасини шакллантириш ва уларнинг дидактик воситаларини қўллаш усуллари модели ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

чет тил дунё манзарасининг асосий компонентлари ва уларни шакллантиришнинг самарали усуллари аниқланган;

ОТМлар инглиз тили факультетлари 1-2 курс талабаларини ижтимоий-маданий лақуналар орқали чет тил дунё манзарасини шакллантириш доирасида ишлаб чиқилган тавсиялар асосида ўқув материаллари янгиланган;

ОТМлар инглиз тили факультетлари бошланғич курсларида инглиз тилини ўқитиш мазмуни ижтимоий-маданий бирликлари, шунингдек уларни аниқлаш ва бартараф этиш стратегиясини ўз ичига олган ҳолда яхшиланган;

ўқув материаллари муаллифлик моделига мувофиқ тузилган ва экспериментал машғулотлар жараёнида синовдан ўтган “Study of sociocultural lacunae” ўқув модули кўринишида тавсия этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги нашр этилган ўқув услубий қўлланмалар, республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК томонидан асосий илмий натижаларни чоп этиш учун тавсия қилинган илмий журналларда ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти она тилида сўзлашувчи ва иккинчи тилда сўзлашувчи шахс дунёсининг этномаданий хусусиятларини аниқлаш учун асосий тушунчаларни ҳаётга татбиқ этиш, шунингдек, модель ва дидактик воситаларни яратиш, чет тил дунё манзарасини шакллантириш воситалари ва ижтимоий-маданий лақуналарнинг энг муҳим турлари ва уларни бартараф этиш стратегияларини ўрганиш асосида ОТМлар инглиз тили факультетлари 1-2 курс талабалари томонидан коммуникатив компетенцияни муваффақиятли ўзлаштириш кузатилганлиги билан таъминланган.

Иш натижалари чет тил дунё манзарасининг таркибий элементларини, бошқа лингвомаданий бирликларнинг материаллари бўйича илмий тадқиқотларни амалга оширишда ижтимоий-маданий лакуналарнинг хусусиятларини янада чуқур тушунишга ёрдам беради.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертация хулосаларидан олий таълим тизимида тил ва маданият масалаларини биргаликда ўқитишга асосланган таълим тизимида оид дарсликлар, ўқув-услубий мажмуалар, ўқув-услубий қўлланмалар, услубий тавсиялар, машқлар тўпламлари яратишда, махсус курсларни ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Чет тил дунё манзарасини шакллантиришда ижтимоий-маданий лакуналарнинг дидактик потенциали юзасидан ишлаб чиқилган услубий ва амалий таклифлар асосида:

ижтимоий-маданий лакуналарнинг дунё манзарасининг вербал-семантик ва когнитив тезауруслари, чет тил дунё манзарасини шакллантиришдаги ўрнини аниқлашга оид диссертация илмий хулоса ва тавсияларидан Алишер Навои номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети бакалаврият талабалари учун инглиз тили бўйича “Grammar” ва “Speaking” ўқув қўлланмаларини яратишга мўлжалланган ФЗ-201908172 рақамли «Ўзбек тилини ўқитиш корпусини яратиш» амалий лойиҳаси доирасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 02-15/750 рақамли маълумотномаси). Натижада коммуникатив компетенциянинг таркибий қисмларини шакллантириш учун инглиз тилидаги ўқув материаллари сифатини оширишга эришилган;

тил ва хулқ-атвор даражасидаги ижтимоий-маданий лакуналар ҳамда 1-2 курс талабаларида чет тил дунё манзарасини шакллантиришда уларни бартараф этиш усулларига оид назарий-амалий хулосалардан Гулистон давлат университетида Арканзас Спринг Халқаро Тил Маркази (Arkansas Spring International Language Centre) билан биргаликда амалга оширилган «Инглиз тили салоҳиятини ошириш лойиҳаси» (“English language capacity building project”) доирасида фойдаланилган (Гулистон давлат университетининг 2021 йил 25 февралдаги 01-30-13/22 рақамли маълумотномаси). Натижада чет тил ўқитувчилари ўртасида чет тил дунё манзарасини шакллантиришда ижтимоий маданий лакуналарни ўрганишнинг назарий ва методик билимлари ошишига эришилган;

1-2-курс талабалари чет тил дунё манзарасини шакллантириш шароитида ижтимоий-маданий лакуналарни ўрганиш мақсадида ишлаб чиқилган «Ижтимоий-маданий лакуналарни ўрганиш» модули бўйича кўрсатма ва материаллардан ўқитувчилар томонидан инглиз тилини ўқитиш амалиётида фойдаланилган (Низомий номидаги Тошкент давлат университетининг 02-07-3965/04 рақамли маълумотномаси). Натижада филологик йўналишдаги олий ўқув юртлари 1- 2 курсларида инглиз тилини ўқитиш воситалари такомиллаштирилган ва 1 -2 курс талабаларининг инглиз тилини билиш даражаси ошишига эришилган ҳамда ўқитувчилар ижтимоий –маданий бирликларга ўқитиш методикаси билан танишдилар.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 3 та республика миқёсида ўтказилган илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 18 та иш нашр қилинди, шу жумладан 1 та монография, 1 та ўқув услубий қўлланма, 5 та мақола докторлик диссертацияларининг асосий натижаларини нашр қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган нашрларда, улардан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, библиография ва иловалардан иборат бўлиб, асосий матн 135 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, мавзунинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижаларининг қисқа мазмуни баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Чет тил дунё манзарасини шакллантиришнинг назарий асослари**» деб номланган биринчи боби таълим фалсафаси, маданий феноменларнинг маъносини ўрганишда герменевтик ёндашувнинг аҳамияти, «дунё манзараси» концептининг таркибини мазмун жиҳатдан тўлдириш ва лингвокультурологик таълимда иккинчи тилда сўзловчи шахснинг шаклланишидаги муаммолар масалаларига бағишланган.

И.М. Ильинскийнинг «Билим, тушунча ва кўникмалар» модели лингводидактик имкониятларини ҳисобга олган ҳолда, герменевтика қонуниятларини таҳлил қиламиз ва герменевтик ёндашувга таъриф берамиз.

Тадқиқот жараёнида 1) таъкидланган ўқув постулатлари «билим – тушуниш – кўникмалар» модели билан органик равишда бирлаштирилганлиги, тил ҳодисаларининг маданий маъносини ўрганишда герменевтик ёндашувнинг аҳамияти кучайганлиги аниқланди; 2) инсоннинг билиш хусусиятига мос келадиган герменевтик ёндашув чет тил дунё манзарасини шакллантириш учун инновацион бўлиб, маданиятлараро даражада билиш фаолиятини амалга оширишнинг индикатив асосидир. Илмий адабиётда дунёнинг концептуал маданий манзараси воситасида акс этувчи лингвистик манзара ажралиб туради, яъни дунёни кўришнинг миллий услубини акс эттирувчи вербал «матрицалар» тизими ҳақида гап боради. Бу ерда биз тилни маданий ўзига хослигини намойиш этишнинг семантик белгилари, тили ўрганилаётган халқнинг дунё манзарасини тезауруслар шаклида ташкил қиладиган коммуникатив ва

коммуникатив бўлмаган хатти-ҳаракатлар ҳақида фикр юритамиз. Тил ўрганаётган шахсда зарур тезаурусларнинг шаклланганлиги воқеликни талқин қилиш ва дунё манзарасини моделлаштириш жараёнида муҳим роль ўйнайди. Тил ўрганаётган шахс ўзлаштирилаётган тилда тўлақонли мулоқотни амалга ошириши учун тил ва мулоқот қобилиятларининг кўп қатламли ва кўп компонентли тўпламига эга бўлиши лозим. Шу нуқтаи назардан, иккинчи тилни ўрганаётган шахсни шакллантириш учун биз унинг дунё манзарасини маданий равишда белгиланган тил ва хулқ-атвор бирликлари асосида шакллантиришимиз мумкин бўлади.


Диссертациянинг «**Ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш орқали дунё манзарасини шакллантириш методикаси**» деб номланувчи иккинчи бобида аутентик маданий лақуналар фаолиятининг манбаи, лингвистик хусусиятлари ва ижтимоий-маданий лақуналарни бартараф этишнинг мумкин бўлган усуллари, шунингдек ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш орқали чет тил дунё манзарасини шакллантириш модели ҳақидаги мулоҳазалар баён этилган.

Аутентлик принципини таҳлил қилиш жараёнида тил ва матннинг, шунингдек, вазифаларнинг аутентлиги аниқланган. Аутентик матнлар ижтимоий-маданий лақуналарга бойлиги билан ажралиб туради. Чет тил дунё манзарасини шакллантириш, яъни тезаурус (вербал-семантик тармоқ) ҳақида гап кетганда, матнларни оғзаки ва ёзма равишда тушуниш ва яратиш учун ижтимоий-маданий бирликларни (реалияларни) ўзлаштиришнинг аҳамиятини инкор қилиб бўлмайди. Ижтимоий-маданий бирликлар лингвомаданиятнинг вербал-семантик қатламини ифодалайди, бу этнопсихологик ва маданий жиҳатлар доирасида тушунтирилиши мумкин, чунки халқнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий ҳаёти ва кундалик турмуш шароитлари, уларнинг ўзига хослиги дунёқараш, психология, урф-одатлар бошқа тилларда сўзлашувчиларда тубдан йўқ бўлган образлар ва тушунчаларнинг пайдо бўлишини белгилайди. Лақуналар сифатида намоён бўлган ижтимоий-маданий бирликлар ва уларни бартараф этиш йўллари билмаслик чет тил дунё манзарасини яхлит ҳолда шакллантиришда муайян қийинчиликлар келтириб чиқаради. Мулоқот жараёнида мулоқотдошлар лақуналар ўрнини транслитерация, таърифлаш, шарҳлаш ва аналогия каби стратегиялар воситасида тўлдириб боришлари зарур.

Ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш орқали чет тил дунё манзарасини шакллантириш **муаллифлик моделининг мақсади** коммуникатив компетенция сифатини прагматик маънода оширишдир. Муаллиф моделининг асосий таркибий қисмлари 1-расмда келтирилган.

Ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш асосида дунё манзарасини шакллантириш моделини ишлаб чиқиш учун назарий асос сифатида қуйидагилар белгилаб олинди: 1) инглиз ва ўзбек тилларида сўзлашувчи халқларнинг ижтимоий-маданий лақуналарини аутентик материаллар асосида ўрганиш талабаларга дунёни қабул қилишнинг муҳим хусусиятларини очишга, яъни тили ўрганилаётган халқ ва она тилларини ўрганишга когнитив

ёндашишга имкон беради; 2) иккинчи тил ўрганувчи шахснинг вербал-семантик тезауруси ижтимоий-маданий лакуналар ҳақидаги билимлар билан тўлдирилиши керак; 3) аутентик материалларда мавжуд ижтимоий-маданий лакуналар нутқнинг лексик томони ҳамда лакуналарни бартараф этиш стратегиясини, шунингдек нутқ фаолиятининг рецептив ва самарали турларини ўргатишда ўзлаштирилиши керак; 4) аутентик матнларни ўқиш ва тинглашни ўргатиш жараёни (Anderson & Krathwohl, 2001; Villanueva de Debat, 2006) схема назариясида ҳамда (Geneshi & Dyson, 1985; Gadamer, 2004, 2008) назариясида илгари сурилган қонуниятларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак (1-расмга қаранг).



1-расм. Ижтимоий-маданий лакуналарни ўрганиш асосида чет тил дунё манзарасини шакллантириш модели

Модель доирасида ёндашувлар қўлланилиши аниқланган ва асосланган (1-жадвалга қаранг)

1-жадвал

Чет тил дунё манзарасини шакллантириш ёндашувларининг функционал вазифалари

Ёндашувлар	Мақсад	Натижа
Герменевтик	Ижтимоий-маданий лақуналар ва рефлексиялар семантикасини уларни нутқда очиб бериш ва бартараф этиш орқали тушуниш	Муайян матнларда ижтимоий-маданий лақуналарнинг маъно-мазмун вазифаларини тушуниш кўникмаларини шакллантириш; - рефлексиялар аналитик фаолиятни амалга ошириш ва бартараф этиш воситаси сифатида
Лингвокультуро логик	Тил бирликларининг маданий семантикаси ва хулқ-атвор паттернларини тушуниш учун	Лексик-семантик компетенцияни шакллантириш
Фреймли	Талабалар онгида фреймларни шакллантириш учун	Дунёнинг лисоний ва когнитив манзараси доирасида фреймларни шакллантириш
Коммуникатив	Нутқ фаолиятининг турли кўринишларида ижтимоий-маданий бирликлардан фойдаланиш учун	Ижтимоий-маданий лақуналарни декодировкалаш ва бартараф этиш, улардан мулоқот жараёнида фойдаланиш

Тилга олинган ёндашувларга мос равишда, ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганишнинг қуйидаги усуллари танланди: когнитив, муаммоли, интерактив, юқоридан пастга ва пастдан юқорига, семантик хариталар (фреймлар) тузиш, таржима-талқин.

Ушбу методик қонуниятлар, ёндашувлар ва усуллардан келиб чиққан ҳолда, ўқитишнинг қуйидаги тамойиллари аниқланди: когнитив йўналтирилганлик принципи, функционаллик принципи, онгли қиёсий принцип, схемаларни шакллантириш принципи, маданиятлараро ўзаро таъсир принципи; ижтимоий-маданий лақуналарни ўқитиш учун машқларнинг енгиллик, тизимлилик ва етарлилик принципи, тил, матн, топшириқларнинг аутентлиги принципи, фрейм конструкциялаш принципи.

Таклиф этилаётган моделда тил материалини лақуналашган характердаги ижтимоий-маданий бирликларини ташкил этиш асосий ва кўшимча

мавзуларнинг ички тузилишини белгилайди. Ижтимоий-маданий бирликларнинг (реалиялар) лексик ансамбли ва хулқ-атворга оид репертуарини (фрейм) синчковлик билан танлаш зарур, бу ҳам ўзлаштириш учун коммуникатив-когнитив минимал вазифани бажаради. Шу билан бирга, лексик ансамбль, шунингдек, фрейм репертуари ҳам режа, ҳам йўналиш бўлиб, чет тил дунё манзарасини шакллантиришда машқларнинг асоси, шунингдек уларнинг шаклланиш даражасини текшириш воситаси ҳисобланади. Аутентик матнни идрок этиш ва англашнинг барча босқичларида маълумотлар дунё манзарасининг вербал-семантик ва когнитив тезаурусларида тўпланади.

Илмий ишнинг «**Ишлаб чиқилган ўқув воситалари самарадорлигининг тажриба-синови**» деб номланган учинчи бобида тажриба босқичлари ва тартиби тавсифланади.

Ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш асосида дунё манзарасини шакллантириш учун яратилган дидактик воситалар самарадорлигининг экспериментал-тажриба синовлари Ўзбекистоннинг тўртта олий таълим муассасаси – Гулистон давлат университети (ГулДУ), Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети (ТДПУ), Навоий давлат педагогика институти (НавДПИ), Нукус давлат педагогика институти (НукДПИ) инглиз тили факультетлари ва кафедраларида ўтказилди.

Педагогик эксперимент тўрт босқични ўз ичига олади:

1-босқич – муаммони назарий ва амалий англаб тушуниш (2017-2018 йй.)

2-босқич – эмпирик ва конструктив (2017-2018 йй.)

3-босқич – шакллантирувчи (2018-2020 йй.)

4-босқич – натижага асосланган интерпретацион (2020-2021 йй.)

Ўқитувчилар ва талабалар ўртасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, ижтимоий-маданий лақуналар ва уларни бартараф этиш стратегиялари бўйича етарли даражада иш олиб борилмаяпти. Констатацион босқичда, яъни мавжуд ҳолатни ўрганиш жараёнида талабаларнинг ижтимоий-маданий бирликлардан хабардорлик даражаси паст эканлиги аниқланди, бу эса чет тил дунё манзарасини шакллантириш мақсадида ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш борасида махсус илмий тадқиқот зарурлигини тасдиқлайди.

Экспериментал-синов (ўқитиш босқичи)нинг **мақсади** инглиз тили дарсларида 1-2 курс талабаларининг чет тил дунё манзарасини шакллантириш учун ижтимоий-маданий лақуналарни махсус ишлаб чиқилган модул асосида Ўзбекистоннинг номлари юқорида зикр этилган ОТМларида мақсадга мувофиқ равишда ўрганиш бўлди.


Бизнинг фикримизча, агар махсус яратилган материаллардан фойдаланган ҳолда аутентик матнларда мавжуд ижтимоий-маданий лақуналарни доимий равишда ўргансак, у ҳолда инглиззабон халқнинг дунё манзарасини вербал-семантик ва когнитив тезаурусларининг махсус қатламини шакллантира олишимиз мумкин бўлади. Ушбу материал ўзбек ва рус тилларида таҳсил олувчи талабалар учун ижтимоий-маданий лақуналарни онгли равишда

ўзлаштиришга, ушбу бирликларни тушуниш ва нутқда ишлатишдаги қийинчиликларни бартараф этишга ёрдам беради.

Эксперимент ўтказишдан олдинги тадқиқотлар якунида олинган маълумотлар натижасида экспериментал ўқитиш учун қандай материал зарурлиги аниқланди ва ўқув модули яратилди. Берилган материални ўрганиш давомида талабалар эришган натижаларни назорат қилиш ва баҳолаб бориш учун ўлчов воситалари ишлаб чиқилди.

Олинган экспериментал натижаларнинг объективлиги ва ишончлилигини текшириш учун Пирсон χ^2 мезони танланди. Олинган натижалар асосида диаграмма тузилди, улар модул учун тавсия этилган ўқув материалларининг самарадорлигини намоён этди.


2-расм шуни кўрсатадики, тажриба гуруҳларда ўртача балл назорат гуруҳларига қараганда юқори, шунинг учун тажриба гуруҳ иштирокчилари томонидан бажарилган иш натижалари юқори. Тажриба гуруҳлардаги ўртача кўрсаткич назорат гуруҳи натижаларидан 1,04 мартага ошган (2-расмга қаранг).



2-расм. Тажриба ва назорат гуруҳларидаги 1 курс талабаларининг синовдан сўнг олган ўртача баҳолари диаграммаси

(2 расмдаги русча сўзлар таржимаси: средний показатель – ўртача кўрсаткич; контрольная группа – назорат гуруҳи; экспериментальная группа – тажриба гуруҳи)

Кейинги расмда тажриба гуруҳларидаги ўртача балл назорат гуруҳларига қараганда юқори эканлиги кўрсатилган, шунинг учун тажриба гуруҳ иштирокчилари томонидан бажарилган иш натижалари юқори. Тажриба гуруҳлардаги ўртача кўрсаткич назорат гуруҳи натижаларидан 1,05 мартага ошган (3-расмга қаранг).



3-расм. Таъриба ва назорат гуруҳларидаги 2 курс талабаларининг синовдан сўнг олган ўртача баҳолари диаграммаси

(3-расмдаги русча сўзлар таржимаси: **средний показатель** – ўртача кўрсаткич; **контрольная группа** – назорат гуруҳи; **экспериментальная группа** – таъриба гуруҳи).

Шундай қилиб, экспериментал ишда танланган методиканинг самарадорлиги статистик таҳлил билан тасдиқланди.

Ўтказилган ўқув эксперименти шуни кўрсатадики, ижтимоий-маданий лақуналарнинг турли хиллари устида доимий иш олиб бориш билан чет тил дунё (тил соҳибининг) манзарасининг вербал-семантик ва когнитив тезаурусларини шакллантиришда яхши натижаларга эришиш мумкин. Бунда тил соҳибининг коммуникатив хатти-ҳаракати ўзига хослиги бўйича вазифаларнинг самарадорлигини таъкидлаш жоиз. Шундай қилиб, экспериментал ўқитиш 1 ва 2 курс талабалари томонидан нутқни тушуниш, талқин қилиш ва амалга оширишларида сезиларли ўзгаришлар бўлганини кўрсатди. Ишонч билан айтиш мумкинки, ишлаб чиқилган модель ва уни амалга ошириш воситалари чет тилдаги оғзаки ва ёзма нутқни идрок этиш ва амалга ошириш жиҳатларида коммуникатив компетенция сифатини оширишга ёрдам беради.

ХУЛОСА

1. Иккинчи тилда сўзловчи шахсни шакллантириш, одатда, тил соҳибни бўлган халқнинг дунё манзарасини шакллантириш билан ўзаро боғлиқдир. Тил соҳиблари учун семантик характердаги маълумотлар ментал структуралар (концептлар, фреймлар, гештальтлар, скриптлар) кўринишида шаклланади, улар чет тилдаги нутқни талқин қилиш ва амалга оширишда асос бўлиб хизмат қилади.

2. Ижтимоий-маданий лақуналарни ўрганиш асосида дунё манзарасини шакллантиришнинг назарий шартлари қуйидагилардир: 1) инглиз тилида сўзлашувчи ва ўзбек халқларининг аутентик материалларда мавжуд ижтимоий-маданий лақуналарини ўрганиш, талабаларга дунёқарашнинг муҳим хусусиятларини англаб етишларига, яъни ўрганилаётган тил ва она тилига когнитив ёндашиш имконини беради; 2) иккинчи тилни ўрганувчи шахснинг вербал-семантик тезауруси ижтимоий-маданий лақуналар ҳақидаги билимлар билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ; 3) аутентик материалларда мавжуд ижтимоий-маданий лақуналар нутқнинг лексик томони ҳамда лақуналарни бартараф этиш стратегиясини, шунингдек нутқ фаолиятининг рецептив ва самарали турларини ўргатишда ўзлаштирилиши зарур.

3. Аутентик матнни ўқиш ва тинглаб тушуниш асосида ижтимоий-маданий тил бирликларини ўқитишнинг процессуал жиҳати қуйидаги амаллар ва ҳаракатларни ўз ичига олади: аниқлаш, декодировкалаш ва тушуниш, оғзаки ва ёзма нутқда ижтимоий-маданий лақуналарни бартараф этиш стратегиясидан фойдаланиш.

4. Тадқиқот натижаларига кўра, талабаларни ўрганилаётган тилнинг маданий бирликлари билан боғлиқ материаллар устида ишлашга жалб этиш ижтимоий-маданий лақуналарни аниқлаш, декодировкалаш, фойдаланиш ва уларни бартараф этиш стратегиясини ўзлаштиришга имкон беради ва шунга мувофиқ равишда тили ўрганилаётган мамлакат халқининг дунё манзарасидан воқиф бўлган ҳолда коммуникатив компетенция сифатини яхшилайти.

**РАЗОВЫЙ СОВЕТ НА ОСНОВЕ НАУЧНОГО СОВЕТА
PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ ДЖИЗАКСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ
ИНСТИТУТЕ**

ГУЛИСТАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУРАЗАКОВА ШАХИДА РАХИМОВНА

**ДИДАКТИЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ СОЦИОКУЛЬТУРНЫХ ЛАКУН
В ФОРМИРОВАНИИ ИНОЯЗЫЧНОЙ КАРТИНЫ МИРА
(1-2 курсы языкового вуза)**

13.00.02 – Теория и методика обучения и воспитания (английский язык)

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Джизак – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером № В2020.1.PhD/Ped1322 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Гулистанском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.jspi.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Махкамова Гульнора Турдахуновна
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Абдуллаева Шахзода Абдуллаевна
доктор педагогических наук, профессор

Расулова Махфуза Инамовна
доктор филологических наук, профессор

Ведущая организация:

**Самарканский государственный институт
иностранных языков**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2022 года в ___ часов на заседании разового совета на основе Научного совета PhD.03/04.06.2020.Ped.113.01 по присуждению ученых степеней при Джизакском государственном педагогическом институте (Адрес: 130100, г. Джизак, проспект Ш. Рашидова, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Джизакского государственного педагогического института (зарегистрирована за № ___) (Адрес: 130100, г. Джизак, проспект Ш. Рашидова, 4. Тел: (872) 226-13-57, 226-21-73, факс: (872) 226-46-56; e-mail: jspi_info@umail.uz).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2021 года.

(протокол-реестр рассылки за № ___ от «___» _____ 2021 года)

Ф. Н. Джуракулов

Председатель научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.полит.н., доцент

Н. Х. Кушвактов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению учёных степеней,
к.п.н., доцент

О.Х. Туракулов

Председатель Научного семинара
при научном совете по присуждению
учёных степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Усиление роли антропоцентрической или межкультурной парадигм образования в мире заставило посмотреть на изучение языка сквозь призму носителя культурно-языковых и коммуникативно-деятельностных ценностей, знаний, установок и норм поведения. Благодаря культурологически ориентированным подходам (межкультурному, кросс-культурному, лингвокультурологическому) к изучению лингвистических единиц получены данные о своеобразии этнокультурной картины мира народа носителя языка, которая должна быть сформирована в процессе обучения языку. Поэтому межкультурный подход особенно важен при изучении безэквивалентных языковых и поведенческих единиц (социокультурных лакун), которые являются особым пластом вербально-семантического и когнитивного тезаурусов картины мира языковой личности. Изучение социокультурных лакун посредством интегрирования различных подходов позволяют расширить отмеченные тезаурусы

Коренные реформы в сферах науки и образования, касающиеся улучшения качества системы обучения иностранным языкам в соответствии с международными стандартами, обуславливают актуальность данной проблемы исследования, поскольку именно изучение социокультурных лакун является необходимым условием успешного формирования иноязычной картины мира и, соответственно, повышения качества коммуникативной компетенции студентов языкового вуза. «Узбекистан должен стать конкурентоспособным на мировой арене в области науки, интеллектуального потенциала, современных кадров, высоких технологий»¹, что ставит новые задачи перед учеными в области методики преподавания иностранных языков для подготовки специалистов, способных продуктивно участвовать в ситуациях профессионального межкультурного общения. Новым способом решения вопроса усовершенствования методики обучения языку специальности становится разработка специальной технологии обучения социокультурным единицам лакунизированного характера для формирования отмеченных тезаурусов иноязычной картины мира.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, № ПП-3151 «О мерах по дальнейшему расширению участия отраслей и сфер экономики и повышения качества подготовки специалистов с высшим образованием» от 27 августа 2017 года, № ПП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших образовательных учреждениях и обеспечению их активного участия в

¹ Послание Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева Олий Мажлису. 22.12.2017. Электронный адрес: <http://www.ach.gov.uz/ru/lists/view/54>

осуществляемых в стране широкомасштабных реформах» от 5 июня 2018 года, № ПП-5117 «О мерах по поднятию на качественно новый уровень деятельности по популяризации изучения иностранных языков в Республике Узбекистан» от 19 мая 2021 года, в постановлениях Кабинета Министров Республики Узбекистан № 610 «О мерах по дальнейшему совершенствованию качества преподавания иностранных языков в учебных учреждениях» от 11 августа 2017 года, № 606 «О совершенствовании системы целевой подготовки научных и научно-педагогических кадров высшей квалификации» от 19 июля 2019 года и других нормативно-правовых документах, касающихся данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики: I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

